

«КЕЛИШИЛГАН»
Баҳоловчи ташкилотлар
Ассоциацияси раҳбари


А.Т. Исламов



«КЕЛИШИЛГАН»
Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори


А.Ж. Ортиков



«КЕЛИШИЛГАН»
Ўзбекистон Баҳоловчилар
жамияти раҳбари


Ф.Н. Мирсоатов



«КЕЛИШИЛГАН»
Ўзбекистон баҳоловчилар, экспертлар
ва маслаҳатчилар жамияти директори


Д.К. Хамракулов



2023 йил 14 ноябрь

БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РЕЙТИНГИ ВА РЭНКИНГИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Баҳоловчи ташкилотларнинг рейтинг ва рэнкинги юритиш тартиби тўғрисида Низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 24 мартдаги ПҚ–101-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари аъзоси бўлган баҳоловчи ташкилотларнинг рейтинг ва рэнкинги шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Баҳоловчи ташкилотларнинг рейтинг ва рэнкинги ҳолислик, ошқоралик ва адолат тамойилларига амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари билан биргаликда юритилади.

2-боб. Атама ва таърифлар

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий атама ва таърифлардан фойдаланилади:

баҳоловчи – баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлган жимоний шахс;

баҳоловчи ташкилот – Ўзбекистон Республикаси “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ баҳолаш фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот – баҳоловчи томонидан ЯМБС талабларига мувофиқ тузилган ва баҳолаш вазифасига мувофиқ тўпланган маълумотлар, ўтказилган таҳлил ва ҳисоб-китоблар асосида шакллантирилган, баҳолаш объектининг якуний қиймати тўғрисида баҳоловчининг профессионал фикрини ўз ичига олган баҳоловчи ташкилот томонидан расмийлаштирилган ҳужжат;

баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари – камида элликта баҳоловчи ташкилотнинг аъзолигига асосланган, баҳоловчиларнинг профессионал даражасини оширишга ва сақлаб туришга кўмаклашиш, уларнинг профессионал манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фаолият юритувчи нодавлат ноtijорат ташкилот (бундан буён матнда жамоат бирлашмаси деб юритилади);

эксперт хулосаси – баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмунига, ўтказилган баҳолаш ишлари сифатига ва умуман баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳаққонийлигига нисбатан шарҳлар билан биргаликда экспертиза натижаларини акс эттирадиган ҳужжат;

хизматлар ҳажми – баҳоловчи ташкилот томонидан шартнома асосида кўрсатилган хизматлар суммаси;

рейтинг – баҳоловчи ташкилотлари фаолияти параметрлари ва кўрсаткичлари ҳолатини баҳолаш йўли билан ҳисобланган кўрсаткич;

рэнкинг – баҳоловчи ташкилотларининг фаолиятини тавсифловчи муайян мезонлар, параметрлар ва кўрсаткичлар бўйича тартибланган рўйхати;

баҳоловчи ташкилотлар рейтинги – ишлаб чиқилган методология бўйича баҳоловчи ташкилотларининг маълум бир давр ҳолатидаги умумий шаклланган кўрсаткич;

баҳоловчи ташкилотлар рэнкинги – маълум бир мезон, параметр ёки кўрсаткич бўйича тартибга солинган, камайиш/ўсиш тартибида умумлаштирилган миқдорий ифодага эга бўлган аниқ белгиланган кўрсаткич асосида шакллантирилган рўйхат (жадвал);

рейтинг ва рэнкинг кўрсаткичлари – иштирокчиларининг иқтисодий ва статистик рақамли кўрсаткичлари ва (чорак, ярим йил, йил) ҳолатидаги умумий баҳоси;

рейтинг ва рэнкинг иштирокчилари – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва жамоат бирлашмалари аъзоси бўлган фаолият юритувчи баҳоловчи ташкилотлар;

рейтинг ва рэнкинг ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (бундан буён матнда Давактив агентлиги деб юритилади);

рейтинг ва рэнкинг даври – умумлаштирилган кўрсаткичлар таҳлил қилинадиган ҳисобот календарь даври.

3-боб. Рейтинг ва рэнкингнинг асосий вазифалари

4. Рейтинг ва рэнкингни баҳолаш фаолиятига жорий қилинишининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- баҳоловчи ташкилотлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш;

- баҳолаш тизимини янада ривожлантиришни таъминлаш ва кўрсатилаётган баҳолаш хизматларининг профессионал даражаси ва сифатини ошириш;

- баҳоловчи ташкилотлар тўғрисидаги объектив/тасдиқланган маълумотлар асосида ягона электрон маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда уларни рейтинг ва рэнкингини юритиш;

- баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини тартибга солишнинг самарали усуллари жорий этиш ва бажарилган баҳолаш ишлари натижалари ва ҳолислиги учун уларнинг масъулиятини ошириш;

- баҳолаш соҳасида малакали баҳоловчилар сонини ошириш ва шу орқали баҳолаш хизматлар сифатини оширилишига эришиш;

- баҳоловчи ташкилотлар фаолиятининг ошқоралигини оширишга, ва уларнинг ўрнини ҳолис аниқлашга ёрдам бериш.

5. Баҳоловчи ташкилотларнинг рейтинг ва рэнкинг кўрсаткичлари Давактив агентлиги ва баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмаларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиб борилади.

Баҳоловчи ташкилотлар рейтингидаги натижалари давлат тузилмалари, тижорат банклари, суғурта компаниялари ва бошқалар томонидан ҳамкорлик учун баҳоловчи ташкилотларни танлаш бўйича танловлар ва тадбирларни ўтказишда фойдаланилиши мумкин.

4-боб. Рейтингни аниқлаш ва рэнкингни шакллантириш учун тақдим этиладиган маълумотлар

6. Баҳоловчи ташкилотлар томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган маълумотлар асосида рейтинг ва рэнкинг рўйхати шакллантирилади.

Рейтинг аниқлаш ва рэнкингни шакллантириш дастлаб биринчи босқичда амалга оширилади.

7. Рейтинг ва рэнкинг кўрсаткичлари бир йилда бир марта ўтган йил якунлари бўйича жамланган маълумотлар асосида шакллантирилади.

8. Рейтинг ва рэнкингни шакллантириш учун баҳоловчи ташкилотлар, Давактив агентлигига ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ маълумотларни ихтиёрий равишда йилда бир марта ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай тақдим этадилар.

9. Маълумотлар баҳоловчи ташкилот раҳбари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда Давактив агентлигининг Баҳолаш фаолиятининг ягона ахборот платформасига жойлаштиради.

5-боб. Баҳоловчи ташкилотларнинг рейтингини аниқлаш ва рэнкингини шакллантириш методикаси

10. Баҳоловчи ташкилотлар рейтингини ушбу Низомнинг 3-иловасида келтирилган баҳоловчи ташкилотлар рейтингини аниқлаш мезонлари ва жами тўпланган балларни ҳисоблаш методикасига асосан баҳолаш фаолиятининг ягона ахборот платформаси орқали амалга оширилади.

Заруриятга кўра, баҳоловчи ташкилотлар рейтингини аниқлаш мезонларига кўшимча ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

11. Баҳоловчи ташкилотларнинг фаолиятига оид белгиланган индикаторлар ва уларнинг миқдорига қараб, жами тўпланган “0” баллдан “100” баллгача бўлган диапазонда рейтинг аниқланади.

12. Кўрсаткич (индикатор)ларни рейтинг баҳолаш натижаларига мувофиқ баҳоловчи ташкилоти рейтинги қуйидагича “А”, “В”, “С”, “D” ва “–” тоифаларга ажратилади:

86 — 100 балл - “А” (аъло);

71 — 85 балл - “В” (яхши);

56 — 70 балл - “С” (ўрта);

55 ва ундан паст балл - “D” (паст).

13. Давактив агентлигининг баҳолаш фаолиятининг ягона ахборот платформасига белгиланган муддатларда маълумотлар жойлаштирмаган баҳоловчи ташкилотларга ноль балл қўйилади ва “–” рейтинги белгиланиб, изоҳ қисмида **“Рейтингни аниқлаш учун баҳоловчи ташкилот томонидан маълумотлар жойлаштирилмаган”** ёзуви киритилади.

14. Баҳоловчи ташкилотлар рэнкинги ташкилотларнинг баҳолаш соҳасидаги фаолиятини тавсифловчи аниқ мезонларни таҳлил қилишни назарда тутлади. Таҳлил натижаси 4-иловада келтирилган ҳар бир индикатор бўйича шакллантирилади. Бу нисбат қанчалик юқори бўлса, ташкилотнинг шу индикатор бўйича рўйхатдаги ўрни шунчалик юқори бўлади.

15. Баҳолаш хизматларини кўрсатиш юзасидан баҳоловчи ташкилотлар рэнкингида иштирок этмаган баҳоловчи ташкилотлар рўйхати алоҳида шакллантирилади.

6-боб. Рейтинг ва рэнкинг натижаларини шакллантириш ва эълон қилиш

16. Рейтинг ва рэнкинг иштирокчилари томонидан тақдим қилинган маълумотларга асосан, Давактив агентлиги жамоат бирлашмалари билан биргаликда жорий даврининг 25 январга қадар рейтингни аниқлайди ва рэнкингни шакллантиради.

17. Рейтинг ва рэнкинг натижалари ҳақида маълумотларни Давактив агентлиги ва баҳолаш соҳасидаги жамоат бирлашмаларининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

18. Жамоат ташкилотлари ташаббуси асосида рейтинг ва рэнкинг иштирокчилари томонидан ҳар чоракда маълумотлар тақдим этилган тақдирда, рейтингни аниқлаш ва рэнкинг шакллантириш бўйича ҳисоб-китобларини амалга ошириш ва натижалари ҳақида маълумотларни ҳар чоракда расмий веб-сайтларда эълон қилиниши мумкин.

19. Рейтинг натижаларига мувофиқ баҳоловчи ташкилотнинг рейтинги “D” тоифаси (паст) бўлса баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари томонидан:

биринчи мартаба аниқланганда баҳоловчи ташкилотга рейтинг натижасини юқорига кўтариш чораларини кўриш юзасидан огоҳлантириш берилади;

кетма-кет икки марта аниқланганда баҳоловчи ташкилотни жамоат бирлашмаси аъзолигидан чиқариш бўйича тегишли чоралар кўрилади.

7-боб. Яқуний қондалар

20. Рейтинг ва рэнкинг натижалари бўйича рейтинг ва рэнкинг иштирокчилари томонидан асосли шикоят, мурожаатлар келиб тушиб низоли ҳолатлар юзага келганда, рейтинг ва рэнкинг ташкилотчисининг рэйтинг ва рэнкинг иштирокчилари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликда юзага келган масалани ҳал қилиш юзасидан қўшма йиғилишлар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади.

21. Ушбу Низом Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси, Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти ҳамда Ўзбекистон баҳоловчилар, экспертлар ва маслаҳатчилар жамияти билан келишилган.

22. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Рейтингни аниқлаш ва рэнкингни шакллантириш
учун тақдим этиладиган маълумотлар
РЎЙХАТИ**

I. Рейтингни аниқлаш кўрсаткичлари

Баҳоловчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида рейтингни аниқлаш қуйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилади:

а) Биринчи босқич:

Баҳоловчилар сони,

Хизматлар хажми (Бунда, транспорт воситаларини баҳолаш, кўчмас мулкни баҳолаш, бизнесни баҳолаш ва улушлар, акция пакетларини, баҳолаш бўйича индикаторлардан келиб чиқиб умумий балл шаккланади):

Эксперт хулосалари сони;

Суғурта полиси суммаси;

б) Иккинчи босқич қўйида индикаторлар қўшилади:

Баҳоловчилар сони ва уларнинг баҳолаш соҳасида иш тажрибаси.

Баҳолаш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ва уларнинг натижаларини оммалаштириш.

Баҳолаш ташкилотида асосий иш жойи бўлган штатдаги баҳоловчилар сони жумладан,

баҳолаш фаолияти соҳасидаги халқаро сертификатларга (*RICS, TEGoVA, Appraisal Institute, ISO 17024* ва ҳ.к.) эга бўлган баҳоловчилар сони;

баҳолаш фаолиятида 10 йилдан ортиқ тажрибага эга малакали баҳоловчилар сони;

олий ва биринчи тоифа гувоҳномаларига эга баҳоловчилар сони;

мулкни баҳолаш стандартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ташаббускорлик тартибида таклифлар ишлаб чиққан ва мазкур тадбирларда иштирок этган баҳоловчилар сони;

хорижда баҳолаш фаолияти бўйича малака ошириш курсларида, конференцияларда, семинар тадбирларда иштирок этиб махсус сертификатга эга бўлган баҳоловчилар сони;

баҳолаш фаолияти бўйича таълим муассасалари ва ўқув марказларида таълим бераётган малакали баҳоловчилар сони.

Кўрсатилган хизматлар хажми. Бунда кўрсатилган қуйидаги хизматлар турига қараб маълумотлар шартномалар сонига қараб алоҳида шакллантирилади;

а) транспорт воситаларини баҳолаш;

б) машина ва усқунларни баҳолаш;

- в) интеллектуал мулкни баҳолаш;
- г) қимматбаҳо буюмлар, қимматбаҳо металллар ва улардан тайёрланган буюмларни баҳолаш;
- д) кўчмас мулкни баҳолаш;
- е) бизнесни (мулкӣ мажмуа сифатидаги корхонани) баҳолаш;
- ж) улушлар, акция пакетларини баҳолаш;
- з) бошқа турдаги мулкларни баҳолаш;
- и) ўзига хос объектларни баҳолаш (бир хил ва одатий бўлмаган);
- й) бошқа баҳолаш фаолияти билан боғлиқ бўлган профессионал хизматлар.

Ҳалқаро баҳолаш стандартлари асосида тайёрланган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар сони;

баҳоловчилар томонидан соҳада охириги уч йилда аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари сони;

қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан огоҳлантиришлар бериш;

қонун бузилиш ҳолатлари асосида охириги уч йилда баҳоловчиларга тегишли малака сертификатларини бекор қилиш ҳолати;

суд органлари сўровномаларига кўра баҳсли вазиятларда баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссияси томонидан ҳаққоний эмас деб топилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар ва экспертиза хулосалари сони.

II. Рэнкингни шакллантириш кўрсаткичлари

Баҳоловчи ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида рэнкингни шакллантириш қуйидаги кўрсаткичлар асосида амалга оширилади:

а) Биринчи босқич:

асосий иш жойи бўлган штатдаги баҳоловчилар сони;

кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича умумий шартномалар сони;

кўчмас мулкни баҳолаш йўналиши бўйича ҳисоботлар сони;

кўчар мулкни баҳолаш йўналиши бўйича ҳисоботлар сони;

бизнесни баҳолаш йўналиши бўйича ҳисоботлар сони;

кўрсатилган хизматлар ҳажми суммаси.

б) Иккинчи босқич қўйида индикаторлар қўйилади:

Иқтисодий кўрсаткичлар (даромад ва соф фойда);

Рентабеллик кўрсаткичлари (активлар, реализация ва хусусий капитал).

Баҳоловчи ташкилотларнинг рейтинг
ва рэнкингини юритиш тартиби тартиби
тўғрисидаги Низомга
2-ИЛОВА

**Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги
202__ йил _____ ой учун
МАЪЛУМОТ**

I. Баҳоловчи ташкилот тўғрисида маълумот

| | |
|--|--|
| Баҳоловчи ташкилотнинг номи | |
| Почта манзили | |
| Баҳолаш фаолиятининг йўналиши | |
| Устав жамғармаси | |
| Сугурта полис рақами | |
| Сугурта суммаси | |
| Солиқ тўловчининг идентификация рақами | |
| Профессионал жамоат бирлашмаларига аъзолиги (номи ва гувоҳномаси) | |
| Телефон/мобил, e-mail, telegram | |

II. Баҳоловчи ташкилоти раҳбари

| Кўрсаткичнинг номи | Сатр рақами | |
|--|-------------|--|
| Раҳбарнинг фамилияси, исми ва шарифи | 01 | |
| Раҳбарнинг лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг рақами ва санаси | 02 | |
| Паспорт маълумотлари, яшаш жойи | 03 | |
| Раҳбарга берилган баҳоловчи малака сертификатининг рақами ва санаси | 04 | |
| Малака ошириш курсини ўтган жойи ва санаси | 05 | |

III. Ташкилот ходимлари сони

| Кўрсаткичнинг номи | Сатр рақами | Ҳисобот давридаги ҳолати |
|--|-------------|--------------------------|
| 1 | 2 | 3 |
| Ходимлар сони – жами, | 06 | |
| улардан баҳоловчилар | 07 | |
| Шу жумладан: | | |
| а) штатдаги баҳоловчилар | 08 | |
| б) фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган баҳоловчилар | 09 | |

IV. Кўрсатилган хизматлар ҳажми

| Кўрсаткичнинг номи | Сатр рақами | Ҳисобот даврида | |
|-------------------------|-------------|------------------|-------------------|
| | | шартномалар сони | хизматлар суммаси |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| Хизматлар ҳажми — жами, | 10 | | |
| шу жумладан: | | | |

| Кўрсаткичнинг номи | Сатр рақами | Ҳисобот даврида | |
|---|-------------|------------------|-------------------|
| | | шартномалар сони | хизматлар суммаси |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| Давлат тасарруфидан чиқарилаётган корхона (объект)ни баҳолаш | 11 | | |
| Банкротлик тартиботларини ижро этиш мақсадида ўтказилган баҳолаш ишлари | 12 | | |
| Молия ҳисобини юритиш мақсадидаги баҳолаш ва/ёки асосий фондларни қайта баҳолаш | 13 | | |
| Хатланган мол-мулкни баҳолаш | 14 | | |
| Гаровга берилаётган мулкни баҳолаш | 15 | | |
| Устав капиталига ҳисса сифатида киритилаётган мулкни баҳолаш | 16 | | |
| Бошқа мақсадлардаги баҳолаш | 17 | | |
| Баҳолаш фаолияти билан боғлиқ бўлган профессионал хизматларини кўрсатиш | 18 | | |

V. Баҳоланган мулк турига қараб кўрсатилган хизматлар ҳажми

| Кўрсаткичнинг номи | Сатр рақами | Ҳисобот даврида | | Ўтган йилнинг мос даврида | |
|---|-------------|-------------------|-------------------|---------------------------|-------------------|
| | | Шартнома-лар сони | хизматлар суммаси | Шартнома-лар сони | хизматлар суммаси |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Баҳолаш хизматлари ҳажми — жами, | 19 | | | | |
| шу жумладан: | | | | | |
| а) транспорт воситаларини баҳолаш | 20 | | | | |
| б) машина ва ускуналарни баҳолаш | 21 | | | | |
| в) интеллектуал мулкни баҳолаш | 22 | | | | |
| г) қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва майда зебу зийнат буюмлари ясашга ярайдиган тошларни, қимматбаҳо металлларни, шунингдек улардан тайёрланган буюмларни баҳолаш | 23 | | | | |
| д) кўчмас мулкни баҳолаш | 24 | | | | |
| е) бизнесни (мулкий мажмуа сифатидаги корxonани) баҳолаш | 25 | | | | |
| ж) улушлар, акция пакетларини баҳолаш | 26 | | | | |
| з) бошқа турдаги мулкларни баҳолаш | 27 | | | | |
| и) ўзига хос объектларни баҳолаш (бир хил ва одатий бўлмаган) | 28 | | | | |
| й) эксперт хулосаси | 29 | | | | |
| к) бошқа хизматлар | 30 | | | | |

VI. Баҳолаш ҳисоботлари ва эксперт хулосалари тўғрисидаги маълумотлар

| Баҳолаш натижалари номи | Сатр рақами | Ҳисобот даврида | |
|---|-------------|------------------|------------------|
| | | тузилганлар сони | тузишни рад этиш |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| Баҳолаш хизматлари ҳажми — жами, | 31 | | |
| Шундан эксперт хулосалари | 32 | | |
| Шундан ҳалқаро баҳолаш стандартлари асосида тайёрланган баҳолаш ҳисоботлари | 33 | | |

VII. Баҳолаш ташкилотининг иқтисодий кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар номи | Кўрсаткичлар |
|--|--------------|
| Иқтисодий кўрсаткичлар (даромад ва соф фойда) суммаси | 34 |
| Рентабеллик кўрсаткичлари (активлар, реализация ва хусусий капитал) фоизда % | 35 |

VIII. Баҳоловчилар тўғрисида маълумотлар (штатдаги ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича жалб қилинган баҳоловчилар)

| Баҳоловчининг фамилияси, исми ва шарифи | Лавозимга тайинланган сана | Баҳоловчининг малака сертификати рақами ва берилган вақти | Малака ошириш курсидан ўтган санаси ва жойи |
|---|----------------------------|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

X. Баҳоловчи ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган қўшимча маълумотлар

| Баҳолаш ташкилотидида фаолият юритувчи баҳоловчи мутахассислар бўйича қўшимча маълумотлар | Сони | Файлни юклаш |
|---|------|--------------|
| Баҳолаш ташкилотидида асосий иш жойи бўлган штатдаги баҳоловчилар сони ЖАМИ | | |
| Баҳолаш фаолияти соҳасидаги халқаро сертификатларга (RICS, TEGoVA, Appraisal Institute, ISO 17024, NAMA, CCIM Institute ва ҳ.к.) эга бўлган баҳоловчилар сони | | |
| | | |
| Баҳолаш фаолиятида 10 йилдан ортиқ тажрибага эга малакали баҳоловчилар сони | | |
| Олий ва биринчи тоифа гувоҳномаларига эга баҳоловчилар сони | | |
| Мулкни баҳолаш стандартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ташаббускорлик тартибида таклифлар ишлаб чиққан ва мазкур тадбирларда иштирок этган баҳоловчилар сони | | |
| Хорижда баҳолаш фаолияти бўйича малака ошириш курсларида, конференцияларда, семинар тадбирларда иштирок этиб махсус сертификатга эга бўлган баҳоловчилар сони | | |
| Баҳолаш фаолияти бўйича таълим муассасалари ва ўқув марказларида таълим бераётган малакали баҳоловчилар сони | | |

Баҳолаш ташкилотлари рейтингини аниқлаш
 МЕЗОНЛАРИ

| Т/р | Кўрсаткичлар (индикаторлар) | Миқдори | Балл |
|-------------|---|---------------------------------|------------|
| | ЖАМИ | | 100 |
| 1. | | Максимум | 10 |
| 1.1. | Баҳоловчилар сони | 2 тадан 4 тагача | 3 |
| 1.2. | | 5 тадан 10 тагача | 6 |
| 1.3. | | 10 тадан зиёд | 10 |
| 2. | Хизматлар хажми | Максимум | 60 |
| 2.1. | <i>транспорт воситаларини баҳолаш</i> | максимум | 10 |
| 2.1.1. | Шартномалар сони | 50тадан 100 тагача | 3 |
| 2.1.2. | | 101 тадан 200 тагача | 6 |
| 2.1.3. | | 200 тадан зиёд | 10 |
| 2.2. | <i>қўчмас мулкни баҳолаш</i> | максимум | 15 |
| 2.2.1. | Шартномалар сони | 15тадан 30 тагача | 5 |
| 2.2.2. | | 31 тадан 45 тагача | 10 |
| 2.2.3. | | 45 тадан зиёд | 15 |
| 2.3. | <i>бизнесни баҳолаш</i> | максимум | 20 |
| 2.3.1. | Шартномалар сони | 5 тадан 20 тагача | 5 |
| 2.3.2. | | 21 тадан 40 тагача | 10 |
| 2.3.3. | | 40 тадан зиёд | 20 |
| 2.3. | <i>улушлар, акция пакетларини баҳолаш</i> | максимум | 15 |
| 2.3.1. | Шартномалар сони | 5 тадан 20 тагача | 5 |
| 2.3.2. | | 21 тадан 40 тагача | 10 |
| 2.3.3. | | 40 тадан зиёд | 15 |
| 3. | | Максимум | 15 |
| 3.1. | Эксперт хулосаси | 5тадан 10 тагача | 5 |
| 3.2. | | 11 тадан 20 тагача | 10 |
| 3.3. | | 20 тадан зиёд | 15 |
| 4. | | Максимум | 15 |
| 4.1. | Суғурта полиси суммаси | 1 млн. сўмдан 10 млн. сўмгача | 5 |
| 4.2. | | 10 млн. сўмдан 100 млн. сўмгача | 10 |
| 4.3. | | 100 млн. сўмдан ортиқ | 15 |

*Баҳоловчи ташкилотларнинг
рейтинги ва рэнкингини юритиш тартиби
тўғрисидаги Низом 4-ИЛОВА*

**20..... йилда баҳолаш хизматларини кўрсатиш юзасидан
Баҳоловчи ташкилотлар
РЭНКИНГИ**

| № | Асосий иш жойи бўлган штатдаги баҳоловчилар сони | № | Кўрсатилган хизматлар хажми бўйича умумий шартномалар сони | № | Кўчмас мулкни баҳолаш йўналиши бўйича хисоботлар сони | № | Кўчар мулкни баҳолаш йўналиши бўйича хисоботлар сони | № | Бизнесни баҳолаш йўналиши бўйича хисоботлар сони | № | Кўрсатилган хизматлар хажми суммаси |
|-----|--|-----|--|-----|---|-----|--|-----|--|-----|-------------------------------------|
| 1 | | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | |
| 2 | | 2 | | 2 | | 2 | | 2 | | 2 | |
| 3 | | 3 | | 3 | | 3 | | 3 | | 3 | |
| ... | | ... | | ... | | ... | | ... | | ... | |
| ... | | ... | | ... | | ... | | ... | | ... | |

*) Рэнкинг кўрсаткичлар бир хил рақамларни ташкил этса, баҳолаш ташкилотларига алифбо тартибда номлари билан бир хил даража (рэнкинг) бериллади.

**20... йилда баҳолаш хизматларини кўрсатиш юзасидан
Баҳоловчи ташкилотлар рэнкингида иштирок этмаган баҳоловчи ташкилотлар
РЎЙХАТИ**

| Т/р | Баҳоловчи ташкилот номи | Манзили | Иштирок этмаганлиги бўйича изоҳ |
|-----|-------------------------|---------|---------------------------------|
| 1 | | | |
| 2 | | | |
| 3 | | | |
| ... | | | |
| ... | | | |
| ... | | | |